

Комплаенс назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2023 йилнинг I-чорагида амалга оширилган ишлар бўйича Ҳ И С О Б О Т

“Ҳудудгазтаъминот” АЖ COMPLAENS назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий “Моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш бўлими”лари (келгусида МРОФ ва КҚСАО) томонидан ўтган ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Жамиятнинг ички-идоравий ҳужжатлари асосида ўз фаолиятини ташкиллаштирилди.

Комплаенс назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларида штат бирликлари бўйича **58 та** иш ўрни мавжуд бўлиб, амалда **47 нафар** ходимлар фаолият олиб бормоқда. Вакант лавозимлари **11 та**.

2023 йилнинг ҳисобот давридаги тадбирлар “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ва унинг қуйи тизим ташкилотларида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ходимлар онгида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш, непотизмни олдини олишга қаратилди.

Комплаенс назорат бошқармаси ҳамда МРОФ ва КҚСАО бўлимлари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида, **19 та** ҳолатда туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилиши олди олинди. Жамият раҳбарияти, COMPLAENS назорат бошқармаси ҳамда МРОФ ва КҚСАО бўлимлари томонидан тизимда коррупция ҳолатлари содир этилишини олдини олиш ва тизим ходимларининг ҳуқуқий онгини ошириш, уларда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатини шакллантириш мақсадида, **340 та** умумий ҳамда **1 096 та** яқка тартибдаги профилактик-огоҳлантирув тадбирлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда **12 131 нафар** тизим ходимлари иштирок этди.

МРОФ ва КҚСАО бўлимлари томонидан филиалларнинг алоқадор тузилмалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирларни матбуот хизмати кўмагида кенг жамоатчиликка етказиш, очиқликни таъминлаш ишлари тизимли йўлга қўйилган. Хусусан, 2023 йилнинг I-чораги давомида **55 та** материаллар, **32 та** маҳаллий экспертлар ва мутахассислар иштирокида тадбирлар, **19 та** тарғибот материаллари, **2 та** радио эштирувлар ҳамда **2 та** телекўрсатувлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг йўриқнома ва тавсиялари асосида, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ва унинг қуйи тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш йўналишида 2023 йилнинг ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар бўйича, уларнинг самарадорлигини рейтинг баҳолаш модули “E-anticor.uz” платформасига расмий маълумотлар жойлаштирилди.

Жамият ва унинг қуйи тизим ташкилотларида ноқонуний ҳолатларга алоқадор бўлган ходимларни аниқлаш ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларига ҳолисона, тўлиқ ва объектив баҳо берилишини таъминлаш мақсадида ҳудудий газ таъминоти филиаллари ва туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимларида жами **99 та** хизмат текширувлари ўтказилди.

Ўтказилган хизмат текшируви натижаларига кўра **1 нафар** ходимга нисбатан жиноят иши кўзғатилди, **21 та** хизмат текшируви ҳужжатлари жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдим этилди, **19 нафар** ходимлар билан меҳнат шартномалари бекор қилинди, **56 нафар** ходимга нисбатан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланди, **8 нафар** ходимга нисбатан 30% , **13 нафар** ходимга нисбатан эса 20% миқдорда жарима солиш жазоси қўлланди, **1 нафар** ходимни рағбатлантириш мукофоти кесилди, **7 нафар** ходим эса огоҳлантирилди.

Ҳисобот даврида МРОФ ва КҚСаО бўлимлари томонидан вилоят газ таъминоти филиалларининг тегишли бўлимлари билан ҳамкорликда жами **391 маротаба** режадан ташқари ва тўсатдан текширувлар ўтказилди, натижалари бўйича тўпланган ҳужжатлар ўрнатилган тартибда ҳуқуқ-тартибот идораларига ва раҳбариятга тақдим этилди.

МРОФ ва КҚСаО бўлимлари ташаббуси билан, яъни уларнинг тезкор маълумотлари асосида ҳудудий газ таъминоти филиалларининг алоқадор бўлимлари билан ҳамкорликда истеъмолчиларнинг табиий газдан фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганиш тадбирлари давомида 2023 йилнинг 1-чорагида жами **430 та** ҳолатда истеъмолчиларнинг табиий газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатлари аниқланди.

Суюлтирилган газни ташиш, сақлаш, маиший баллонларга тўлдириш ва аҳолига етказиб бериш соҳасида ўтказилган режадан ташқари текширув ва мониторинг тадбирлари натижасида, **108 та** қоидабузарликлар (*ноқонуний “Бункер”лар – 6 та, СУГни оширилган нархда сотиш – 1 та, оғир қолдиқни тўкиш бўйича технологик регламентларга амал қилмаслик – 40 та, ГТШ/ГТСларда СУГни тўкиш, сақлаш ва ҳисобини юрийтиш тартибига амал қилмаслик – 7 та, маиший баллонлар юкланган автомашиналар белгиланган маршрутдан четлашиш ҳолати – 2 та ва х.к.*) аниқланди. Айбдор ходимларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди ва профилактик-огоҳлантирув тадбирлари ўтказилди.

Ҳисобот даврида ҳудудий бўлимлар томонидан газ таъминоти филиалларининг Метрология хизмати ходимлари фаолияти ўрганилиб, натижаси бўйича Жамият Бошқаруви раисига ахборот киритилди. Натижада, “**Ҳудудгаз Наманган**” ГТФ Метрология хизмати бошлиғи Б.Абдубакиев, муҳандис-метролог А.Раззаков, “**Ҳудудгаз Пойтахт**” ГТФ Метрология хизмати муҳандис-метрологи Н.Ҳапизов, “**Ҳудудгаз Бухоро**” ГТФ Метрология хизмати бошлиғи М.Хайитов, муҳандис-метролог А.Абдуллаевлар ўз хизмат вазифаларини виждонан, халол бажармаганлиги сабабли улар билан тузилган меҳнат шартномалари меҳнат қонунчилигига мувофиқ бекор қилинди.

Жамият раҳбари томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида, барча вилоятлар МРОФ ва КҚСаО бўлимлари бошлиқлари 2022 йилдаги фаолият натижалари юзасидан ҳисобот топшириш учун 2023 йил 23-27 январь кунлари Комплаенс назорат бошқармасига таклиф этилиб, уларнинг йиллик ҳисоботлари тингланди ва 2023 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Шу ўринда, 2022 йил ҳамда 2023 йилнинг январь-февраль ойлари давомида МРОФ ва КҚСаО бўлимларининг меҳнат фаолияти таҳлил қилиниб, хизмат мажбуриятларини етарли даражада бажармаганлиги учун **2 нафар** ҳудудий бўлим бошлиғи билан ўрнатилган тартибда меҳнат шартномалари бекор қилинди,

2 нафар (худудий бўлим бошлиғи ва ходим)га нисбатан “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланди, **1 нафар** худудий бўлим бошлиғининг эгаллаб турган лавозими пасайтирилди, **1 нафар** худудий бўлим бошлиғи ротация қилинди ҳамда **2 нафар** худудий бўлим бошлиқлари огоҳлантирилди.

Шунингдек, Комплаенс назорат бошқармаси Бош мутахассисини “Пойтахт” газ таъминоти филиалида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида бўлим бошлиғи лавозимига тавсия этилди.

Хукукбузарликларнинг барча кўринишларига қарши курашиш доирасида олиб борилаётган амалий тадбирларга қарамай 2023 йилнинг 1-чорагида худудий газ таъминоти филиалларининг айрим ходимлари томонидан **6 та** коррупцияга оид хукукбузарлик ҳолатлари содир этилиб, ушбу жиноятларда жами **8 нафар** ходим қўлга олинган. Жумладан, Андижон, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида **1 та**дан ҳолат содир этилган бўлса, Самарқанд вилоятида **2 та** ҳолат содир этилди. Хусусан:

Андижон вилояти бўйича:

- “Худудгаз Андижон” ГТФ “Хўжаободтумангаз” газ таъминоти бўлими Аҳоли хонадонлари ва улгуржи ташкилотлардаги маиший газ ускуналарини таъмирлаш хизмати чилангарлари Алимжонов Азизбек Кимсанбоевич, Зулунов Ойбек Хасанович ва Муҳаммадқосимов Муҳаммадисмоил Маъмуржон ўғлига (*Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168 моддаси ва 25-211 моддалари*) жиноят иши очилган.

Бухоро вилояти бўйича:

- “Худудгаз Бухоро” газ таъминоти филиалининг “Бухоротумангаз” газ таъминоти бўлими Аҳоли хонадонлари ва улгуржи ташкилотлардаги маиший газ ускуналарини таъмирлаш хизмати чилангари Зиёдов Азаматжон Акмал ўғлига (*Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси*) жиноят иши очилаган.

Жиззах вилояти бўйича:

- “Худудгаз Жиззах” газ таъминоти филиалининг “Ш.Рашидовтумангаз” газ таъминоти бўлими Аҳоли хонадонлари ва улгуржи ташкилотлардаги маиший газ ускуналарини таъмирлаш хизмати чилангари Шербеков Асрор Зафар ўғлига (*Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси*) жиноят иши очилаган.

Қашқадарё вилояти бўйича:

- “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминоти филиали Хўжалик бошқарув бўлими бошлиғи Сайфиев Шухрат Фазлиддинович (*Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси*) жиноят иши очилган.

Самарқанд вилояти бўйича:

- “Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиалининг “Самарқандшаҳаргаз” газ таъминоти бўлими Улгуржи истеъмолчилар билан ишлаш техниги Ахтамов Шухрат Нуриевич, аҳоли истеъмолчилар билан ишлаш техниги Очилов Ботир Темирпулатовичга (*Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси*) жиноят иши очилаган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, содир этилган коррупция ҳолатлари асосан табиий газдан мавжуд бўлган дебитор қарздорликни камайтириш, ёпиб бериш ёки қоидабузарликларни расмийлаштирмаслик эвазига содир этилган. Йуналишлар кесимида эса ВДГО - **5 та**, “Аҳоли истеъмолчилари билан ишлаш хизмати” – **1 та**, “Улгуржи истеъмолчилари билан ишлаш хизмати” - **1 та** ва хўжалик бўлими - **1 тани** ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг 1-чорагида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 13 та ҳудудий газ таъминоти филиалларининг туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари мансабдор шахслари фаолиятида жиноят аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича жами **34 та** ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Содир этилган ёки қўзғатилган жиноят ишлари таҳлил қилиниб, Андижон, Наманган ва Самарқанд ҳудудий газ таъминоти филиаллари **“қизил”**, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилояти, Пойтахт, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё филиаллари **“сарик”** ҳамда Қорақалпоғистон филиали ва Жамият ижро аппарати **“яшил”** тоифага киритилди. Шунингдек, туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари ҳамда филиал ижро аппаратлари кесимида таҳлил қилинганда **1 та** (Самарқанд шаҳар ГТБ) **“қизил”**, **39 та** туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари ҳамда филиал ижро аппаратлари **“сарик”** ҳамда **182 та** туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари ҳамда филиал ижро аппаратлари **“яшил”** тоифага киритилди.

Ҳисобот даврида **“қизил”** ва **“сарик”** тоифага киритилган туман (шаҳар) газ таъминоти бўлимлари ҳамда филиал ижро аппаратларида кенг кўламли ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ўтказиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, сервис хизмати кўрсатиш билан боғлиқ ходимлар қатламининг хизмат фаолиятини бевосита раҳбарлари билан ҳамкорликда кунлик назорат қилиш, улар томонидан дастурга киритиб борилаётган маълумотларни танлов асосида ўрганиш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ноқонуний ҳолатларнинг туб сабаблари ва тизимдаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиб бориш белгилаб олинди.

Шунингдек, Комплаенс назорат бошқармаси ўз олдига 2023 йил давомида тизимда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни кучсизлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш ва ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Жамият Бошқаруви раисига ахборот тақдим этиб борилади.